

## **БОЛАЛАРДА ИЖОБИЙ ХИСЛАТЛАРНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШДА КИТОБ ЎҚИБ БЕРИШ МЕТОДИКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Олимова Моҳира Махмашарифовна**

**Яккасарой тумани 369-“Нурли келажак” номли КТМТТ тарбиячи**

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.7215018>**

Бадий адабиётдан фойдаланиладиган машғулотлар ғоят осойишта шароит яратилишини талаб этади. Муҳими, ҳеч нарса болаларни эшитишдан чалғитмаслиги лозим. Машғулотни тез уюштириш, уни болалар адабиётига хос соғлом, оптимистик характерда, хушчақчақлик билан ўтказиш керак. Тарбиячи болаларни хушмуомалалик ва осойишталик билан ўтиришга таклиф этиб, болаларнинг қандай ўтирганини текшириб, машғулотни бошлайди. Машғулот бошланган вақтдаёқ болаларнинг диққатини жалб этиш жуда муҳим. Бунга огоҳлантириш, пўписа қилиш («Эшитинглар, кейин сизлардан сўрайман») билан эмас, балки қизиқарли муқаддима сўзи, муқаддима суҳбати билан эришиш мумкин. Чунки уларда китоб мазмунига қараб ёрқин сурат, топишмоқ, болалар тажрибасидан ва ҳоказолардан фойдаланса бўлади.

Болалар билан ўқиб беришдан олдин ва ўқиб беришдан кейин олиб бориладиган дастлабки иш бадий асарнинг мазмунига боғлиқдир. Баъзан тарбиячи муқаддима сўзида асарнинг номи, авторнинг исми, мавзунини маълум қилади. Масалан, «Бугун мен сизларга ўзбек халқ эртакларидан “Уч оғайни ботирлар” ни ўқиб бераман». Машғулотни муқаддима суҳбати билан бошлаш мумкин. Масалан, С.Я.Маршакнинг «Ўн икки ой» эртагинини ўқиб беришдан олдин:

Тарбиячи: Болалар, бир йилда неча ой борлигини биласизми?

Болалар ёки тарбиячи: Ўн икки ой.

Тарбиячи: У ойлар қандай аталади?

Болалар ойлар номини айтишади, тарбиячи эса, зарурат бўлса, уларнинг жавобларини тузатади.

Тарбиячи: Бир ой тугаши биланоқ иккинчиси бошланади. Ҳеч қачон ҳали февраль, январь тугамасдан келмаган ёки май ойи апрелни қувиб ўтмаган. Ойлар бирин-кетин келаверади ва ҳеч қачон бир-бири билан учрашмайди. Аммо одамлар тоғлик ўлка — Богемияда бир қиз бир вақтнинг ўзида ўн икки ойнинг ҳаммасини кўрганлиги ҳақида ҳикоя қиладилар. Бу қандай бўлган?

Мана бундай . . .

Кейин тарбиячи китобдан ўқий бошлайди.

Эртак ўқиб бўлингач, қизча бир вақтнинг ўзида бирданига ўн икки ойни қандай кўрганини, қийин вақтда ойлар қизчага қандай ёрдам

берганлиги ва бошқалар ҳақида суҳбат ўтказган маъқул. Айниқса, ахлоқий-эстетик ва билиш мазмунига эга бўлган китобларни ўқиб беришда пухта тайёргарлик талаб қилинади. Ахлоқий-эстетик мазмундаги китоблар болаларда ахлоқий сифатлар, хулқ-авторларнинг ижобий формаларини таркиб топтиришга ёрдам беради. Я Саъдуллаеванинг «Ғишт», «Бувижон», Ф.Мусаҷоновнинг «Тўлаб бер», деган асарлари ва бошқалар шундай китоблар жумласига киради. Муҳими, болаларнинг китобни эшитиш жараёнидаёқ унинг ғоявий мазмунини тушуниб олишларидир. Бунда муқаддима суҳбати катта роль ўйнайди, тарбиячи бундай суҳбатда болалар диққатини энг асосий, муҳим нарсаларга жалб этади

Ахлоқий-эпик мазмундаги китоблар ўқиб бўлингандан кейин ҳам суҳбат ўтказишни талаб этади. Бундай суҳбатларда жуда кўп савол ва тушунтиришлар бўлмаслиги лозим, чунки болалар китобни ўқиш пайтидаёқ қаҳрамонлар ҳатти-ҳаракатларининг моҳиятини чуқур англаб оладилар. Ўқилган асар ҳақида ўтказиладиган суҳбатларда болаларни қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракатларини тўғри баҳолашга ўргатиш ва болаларнинг қаҳрамон ва унинг ҳатти-ҳаракатларига ўз муносабатларига айтишларига эришиш лозим.

Билим берувчи характеридаги китоблар, масалан, меҳнат ҳақидаги китоблар, муқаддима суҳбати ва ўқигандан кейинги суҳбатни бошқача мазмунда бўлишини талаб этади. Меҳнат ҳақидаги китоб болалар учун кишиларнинг касблари, машиналар ва меҳнат қуроллари ҳақидаги билимлар манбаи бўлиб хизмат этади, болаларга кишилар меҳнати, одамларимизнинг меҳнатга виждонан муносабатини, ҳар бир киши меҳнатининг ижтимоий аҳамиятини ва ҳоказоларни ёритиб беради. Билим берувчи китоблар ҳар хил билимлар манбаи бўлибгина қолмай, балки кишиларнинг меҳнатига ҳурмат, табиатга нисбатан муҳаббат ва ҳоказо фазилатлар тарбиялаш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Шунинг учун китоб билан ишлашни шундай йўлга қўйиш ғоят муҳимки, у болаларда юксак ахлоқий сифатлар тарбиялаш имконини берсин (масалан, катта гуруҳда Қ. Муҳаммадийнинг «Этик» шеърини ўқиш).

**Машғулотнинг мақсади:** Болаларни этикдўзнинг меҳнати билан таништириш, ўз меҳнатига ҳаммани мамнун этадиган муносабати сингари меҳнат белгиларини ёритиб бериш. Меҳнаткашга нисбатан ҳурмат, унинг меҳнатини қадрлаш хислатлариини тарбиялаш.

**Машғулотнинг бориши**

Тарбиячи: Болалар, оёқ кийимингизга қаранг, улар нақадар чиройли: Шаҳнозада оқ тасмали қизил туфли, Алишерда жигар рангдаги туфли (болалар ўз оёқ кийимлари кўздан кечирадилар). Болалар, ўйлаб айтинглар, бундай чиройли туфли, шиппакларни сизлар учун ким тиккан, ким сиз учун ҳаракат қилган? (болаларнинг жавоблари) Болалар, сизлар ва ҳамма одамлар учун оёқ кийимини ким тикиши ҳақида эшитишни истайсизларми? Ҳозир сизларга ўзбек шоири Қ. Муҳаммадийнинг «Этик» шеърини ўқиб бераман.

II. Шеърни ифодали ўқиш.

III. Ўқиган шеър ҳақида суҳбат:

Тарбиячи: Салимжонга нимани совға қилишди? Нима учун Салимжонга янги этигини эҳтиёт қилишни тайинлашди? Бу этикни ким тиккан? Нима учун этик бундай чиройли ва пишиқ қилиб тикилган? (одамлар яхши тикишга ҳаракат қилишган) Усталар ким учун бундай яхши оёқ кийими тикишга ҳаракат қилишди? Салимжон нима деганини асланг-чи

Тарбиячи болалар жавобидан сўнг шеърдан қуйидаги тўртликни такрор ўқийди:

«Билиб қўй, шунинг учун,  
Меҳнатларни ҳурматлаб,  
Қовурғанг синмасин деб,  
Босаяпман пуф-пуфлаб».

Усталар Салимжон деган бола ва бошқа кишилар учун чиройли этик тикишга жуда кўп меҳнат сарфлашган. Бундай чиройли пойабзални кийиб, хурсанд бўлишларини ўйлашган. Салимжонга ҳам янги этик жуда ёқди ва у этикни эҳтиёт қилди. Эсланг-чи, у этигига қандай қарарди. Нима учун этиги доимо тоза ва ялтираб турар эди? Хўш, сизлар учун усталар — этикдўзлар тайёрлаган оёқ кийимингизга ўзларингиз қандай қарайсиз? Уни қандай сақлаш лозим? Шеър ўқиб бўлингандан кейин болаларнинг асарни яхшироқ эслаб қолишлари ҳамда ўз ҳаётини тажрибалари билан боғлашлари учун ҳам улар билан суҳбат ўтказилади. Агар болаларнинг ўйинлари ҳақидаги китоб ўқиб берилса, ўқиб бўлингандан сўнг китобда фақат нима ёзилганлиги ҳақидагина эмас, балки болаларнинг уйда ва боғчада нимани қандай ўйнашлари ҳақида ҳам гаплашиб олиш лозим.

**Ўқилган материални мустаҳкамлаш усуллари.** Болаларга ўқилган асарни чуқурроқ ўзлаштириб олишда, эслаб қолишда ёрдам бериш учун тарбиячилар турли методик усуллардан: такрорий ўқиб бериш, ҳикоя қилиб бериш, драмалаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланадилар.

**Такрорий ўқиб бериш.** Болаларда қизиқиш уйғотган кичик асарни ўқиб берилиши биланоқ яна 1—2 марта такрор ўқиб бериш яхши натижа беради. Катта асардан эса энг аҳамиятли ва ёрқин жойларини—айрим парчаларни такрор ўқиб бериш мумкин.

Асардан такрор фойдаланиш яқин 2—3 ҳафта ичида бўлгани маъқул. Агар болаларга бир машғулотда бир неча асар (яхшиси мавзуси жиҳатидан бир-бирига яқин асарлар) ўқиб берилган бўлса, асарлардан осонгина такрор фойдаланилади. Бу усулдан кичик гуруҳларда тез-тез фойдаланилади. Катта гуруҳларда танлаб ўқиш усули (парчаларни, хотималарни) ҳам қўлланилади. Бундай ўқиш болаларга ўйин усули билан топишмоқ, викторина тарзида берилиши мумкин. (Бу парча қайси асардан? Бу эртак ёки ҳикоя нима билан тугади? Бу парча ҳикоядан-ми ёки эртакдан-ми? ва ҳоказо)

**Драмалаштириш ва иисценировка** болаларни бадий асар билан иккинчи марта таништириш воситасидир. Эшитилган асар мавзусида драмалаштирилган ўйинни ҳамма ёш гуруҳларида ўтказиш мумкин. Драмалаштирилган ўйин одатдаги ролларга бўлиниб ўйналадиган ўйиндан тайёр сюжети борлиги билан фарқ қилади. Болалар ўйиннинг қаҳрамонларини, қандай боришини олдиндан биладилар. Шу билан бирга драмалаштирилган ўйин ўйинлигича, яъни болалар фаол ҳаракат қиладиган ўйинлигича қолаверади. Бундай ўйинлар учун диалогик шакл асосий ўринда турадиган бадий асарлар матни энг қулай материал бўлиб хизмат қилади. Бу жиҳатдан халқ эртаклари жуда қулайдир. Тарбиячи бадий асарни ўқиб ёки ҳикоя қилиб берганидан сўнг болалар иллюстрацияни кўздан кечирадилар, уни айтиб берадилар. Ўйинни биринчи бор ўтказишда тарбиячи бошқарувчи бўлиши мумкин. Болалар матни яхши ўзлаштириб олганларидан кейин такрор ўйнашда ҳамма ролларни болаларнинг ўзлари ўйнайдилар. Энг муҳими, ҳамма болаларнинг ўйинда иштирок этишидир. Столлар, стуллар ва қурилиш материалларидан декорация тариқасида фойдаланилади. Кўпчилик боғчаларда бундай ўйинлар учун афсонавий уйчалар, картондан ясалган дарахтлар ва ҳоказолар бор. Драмалаштирилган ўйинларда баъзи бир костюм элементларидан: қизил шапкача, пешбанд, саватча (Ш. Перронинг «Қизил шапкача» эртаги учун), куённинг қулоғи, тулкининг думи, бўри, айиқ маскалари, чоллар соқоли ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин.

МТТда бадий асар иисценировкасидан фойдаланилади. Болалар олдиндан ролларни ёд оладилар, репетиция қиладилар. Декорация, костюм кенгроқ қўлланилиб, керакли мусиқа танланади.

Инсценировкалар мактабгача ёшидаги болалар ҳаётида катта ўрин олади. Болалар бундай саҳнани байрам кунларига, ота-оналар мажлисига бағишлаб тайёрлашлари мумкин.